



MILLIY TIKLANISH

48 (109) 2010 йил 24 ноябрь, чоршанба • Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Полвонлар миллат ор-номуси, юрт гурури ва ифтихоридир

Асрлар давомида халқимиз асраб, эъзозлаб келаётган миллий курашимиз бугун умумбашариятни дўстлик ва бирдамликка чорловчи юксак маънавий қадриятга айланди. Дунёнинг барча қишлоқларида «халол», «ёнбош», «чала», «кураш» каби соф ўзбекона сўзларнинг жаранглаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

4 МУНОСАБАТ



Футбол мактаби

Ўқув даргоҳида ёш футболчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган: кенг, ёруғ ўқув хоналари, спорт майдончалари уларга хизмат қилмоқда. Шунингдек, 950 ўринли замонавий стадион ҳам ёшлар ихтиёрида.

6 ТАХЛИЛ



«Хоразм гиламлари»

Хива гиламлари азалдан қимматбаҳо ашё саналган. Мустиқлик шарофати, замонавий тўқув дастгоҳлари туфайли у кўзни қувнатадиган даражада чиройли, маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган, толаси пишиқ ва мустаҳкам, бозори чакқон маҳсулотга айланди. Бир сўз билан айтганда унинг шуҳрати қайта тикланиб, жаҳон бозорига чиқиш имконияти пайдо бўлмоқда.

8 КЎЗГУ

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ	2-бет
ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК	
ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТ	
ИЖТимоий-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
КОНСТИТУЦИЯ	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ	
ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ	
ЖАРАЁН	6-бет
БОЛА ҲУҚУҚИ	
«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
ТҮЙИБ-ТҮЙМАЙ ЮРГАНЛАР	
ҚАРДОШ ХАЛҚ МАДАНИЯТИ	
КЎЗГУ	8-бет
ЯПОНИЯ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА	

ЎзМТДП ҲАЁТИ

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ВА ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши

Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

2-бет

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларини юртимиз ва халқаро жамоатчилик Ўзбекистон тараққиёти ва ислоҳотлар жараёнининг янги марраларини бошлаб берувчи тарихий ҳужжат сифатида қабул қилди.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

У МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тарихдан маълумки, ислоҳотлар йўлини белгилаш ва уни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш жуда катта билим, тажриба, мамлакат тақдирини жавобгарлик, истиқбол учун қайғуриш туйғуси ва энг муҳими кучли сиёсий иродани талаб қилган. Бугун бутун дунёда Ўзбекистон танлаган ва амалга ошираётган ислоҳотлар сиёсати «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилиб, унинг нақадар тўри эканлиги тан олинмоқда. Мазкур тараққиёт дастурининг ўзига хос жиҳатлари хусусида гапирганимизда, энг аввало ислоҳотларни босқич-ма-босқич ва изчил олиб бориш тамойили кўз олдимизда намоён бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар 2001 йилда ўзининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйган эди. Ўтган вақт ичида бу борада Президенти-

миз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни вужудга келтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари вазифа ва ваколатларини кучайтиришга қаратилган йирик ислоҳотлар амалга оширилди.

Бундай қарорлар ўз вақтида қабул қилинганлиги ва у Ватанимизни модернизация қилиш ва янада демократлаштириш жараёнларида ижобий роль ўйнаганлигини вақт ва тажриба кўрсатиб турибди. Натижада жамиятимизда демократик кадрлар мустаҳкам илдизга эга бўлди, одамларнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг ижтимоий онгида дахлдорлик туйғуси кучайди. Айниқса, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, қарорлар қабул қилишдаги роли кучайиб, қўшма мажлислик тизими мустаҳкамланди.

2-бет

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

2011 йилга мўлжалланган дастурнинг асосий мақсади. ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ УШБУ ДАСТУРГА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИ НУҚТАИ-НАЗАРИДАН ЁНДАШИШДИ



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП

Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев бошқарди. Фракция йиғилишида Парламент қўйи палатасининг муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган масалалар муҳокама қилинди.

2-бет

ТАНҚИДИЙ ТАХЛИЛ

Спорт соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, jismoniy ва маънавий камолотнинг муҳим воситаси бўлиб, жаҳон халқлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, дўстликни мустаҳкамлашга ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Спорт соҳасида ташкил этилаётган ва ўтказилаётган барча тадбирлар – олимпия ўйинлари, чемпионатлар, биринчиликлар, турнирлар ва умуман, турли кўринишдаги мусобақалар юксак гоғларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК

Мустиқлик йилларида муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бевосита ташаббуслари ва раҳбарлигида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қилинган саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда спортни жаҳон билан юзлашди. Мамлакатимиздан олимпия, жаҳон ва Осиё чемпионлари чиқди.

3-бет

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

КОНСТИТУЦИЯ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ватанимиз мустиқликка эришгандан сўнг ўз олдига қўйган стратегик мақсадлар - замонавий ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаган ҳолда халқ турмуши фаровонлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш, демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари дадил интиломоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов мамлакат Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган дастурамал маърузасида алоҳида таъкидлаганидек: «Мустиқлик ривожланиш йилларида - тарихан қисқа



бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда».

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎЗМТДП ХАЁТИ

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ВА ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилиш мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан олға сурилган маъруза Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлилиги, юртимизда кечаётган жараёнларга янги қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабхаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташлангани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга, деди **ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам ТУРСУНОВ**: — Айтиш жоизки, тақдир этилган Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўналишдаги навабдаги изчил қадам ҳисобланади. Аҳамиятлиси, муҳтарам Президентимиз қўшма мажлисдаги маърузасида парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазаларни баён этиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби йўналишлар бўйича бир қатор қонунларни қабул қилиш бўйича ташаббуслари, белгилаб берилган тартиб-қоидаларни ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган иш режаларида ҳамда уларда белги-

ланган вазифаларни амалга ошириш, мамлакатни босқичма-босқич модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тизимни демократик янгилашда муҳим дастурий ўрин тутди. Шу боис партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида ҳам юксак масъулиятли вазифалар турганлигини билдиришди.

Абдил ТУХТАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз маърузаларида мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бугунги кунгача суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларни чуқур таҳлил қилдирилган ва истиқболда турган устувор вазифаларни белгилаб берилган. Мазкур соҳада устувор йўналишлар сифатида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши, энг муҳими инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаши шубҳасиз.

Олимжон ҲАҚИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палатасига тақдим этилган Концепциянинг энг асосий йўналишларидан бири ОАВ соҳасини янада эркинлаштиришга қаратилган ўта муҳим ташаббуслар илгари сурилганлигидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки ОАВ фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Яъни мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВ алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан мазкур институт давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи вазифасини бажариб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, бугун ривожланган ахборот технологиялари асрида яшашимиз, ҳеч шубҳасиз медиа тизимига нафақат давлат томонидан балки, фуқаролар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ҳам қизиқиш ва ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда баландлиги маълум. Шу нуқтага назардан Президентимиз маърузасида соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш юзасидан қатор янги

қонунлар қабул қилинишига эҳтиёж мавжудлиги таъкидланган. Айтиш лозимки, ЎЗМТДПнинг мақсад вазифалари қолаверса, сайловолди Ҳаракат дастурида ҳам айнан шу соҳага алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг навабдаги иш режаларида мазкур соҳадаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласини акс эттиришлари ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Акмал РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Бош мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш экан албатта бунинг негизида биринчи навабда халқнинг хоҳиш иродасини рўёбга чиқариш амалга оширилиши лозим бўлган. Лекин муҳимлигини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида янги уфқларни очиб беради. Зеро, ушбу Концепция миллий давлатчилигимизнинг ривожланишида муҳим дастуриямал бўлиб қолади. Хусусан, демократик кадрларни ҳаётга татиқ этиш, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатлаш каби муҳим тамойилларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу жиҳатдан муҳтарам Президентимиз тақдим этилган Концепцияда аниқ кўрсатилган қатор қонунчилик ташаббуслари фракциямиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Бунда, албатта, ўз куч ва имкониятимизни мазкур Концепцияни амалга ошириш учун сафарбар этишимиз лозим.

Арслон ЭШМУРОДОВ, ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси аъзоси:

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан барча соҳадаги ислохотларни босқичма-босқич ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини Ойртобсоҳимизнинг маърузаларида яна бир бор кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда парламент соҳасида олиб борилган ишлар бунинг яққол мисолидир. Президентимиз ўз дастурий маърузасида асосий йўналишлардан бири сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида фикр билдирар экан бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинишига зарурат мавжудлигини эътироф этди. Ушбу Концепцияда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролик жамиятини институтларининг ривожланишидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши ва фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва

ҳуқуқий маданиятини ошириш учун янги шароитлар яратишга хизмат қилади.

Абдурашид ТУХТАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Ислам Каримовнинг дастурий маърузаларини ўрганган эканмиз демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида ҳам қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш лозимлигини алоҳида эътироф этдилар. Жумладан, партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган кичик бизнесни, оилавий бизнесни янада ривожлантириш, соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш бугунги кун талабларидан эканлигини қайд этдилар. Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш, бозорнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва бу борада ҳам алоҳида қонун ишлаб чиқиши бўлган кун талаби эканлигини ўз маърузаларида таъкидладилар.

Улугбек МУҲАММАДИЕВ, ЎЗМТДП фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини атрофлига ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, мазкур Концепция мазмун-моҳияти жиҳатидан эртанги кун талабларига мос бўлган янги ва бугунги жамиятимиз учун ниҳоятда муҳим ғояларни қамраб олган. Уни ҳаётга татиқ этиш эса, Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида янги уфқларни очиб беради. Зеро, ушбу Концепция миллий давлатчилигимизнинг ривожланишида муҳим дастуриямал бўлиб қолади. Хусусан, демократик кадрларни ҳаётга татиқ этиш, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатлаш каби муҳим тамойилларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу жиҳатдан муҳтарам Президентимиз тақдим этилган Концепцияда аниқ кўрсатилган қатор қонунчилик ташаббуслари фракциямиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Бунда, албатта, ўз куч ва имкониятимизни мазкур Концепцияни амалга ошириш учун сафарбар этишимиз лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ҳаракат дастури-ни ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳи тuzиш ва муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Камолитдин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини атрофлига ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, мазкур Концепция мазмун-моҳияти жиҳатидан эртанги кун талабларига мос бўлган янги ва бугунги жамиятимиз учун ниҳоятда муҳим ғояларни қамраб олган. Уни ҳаётга татиқ этиш эса, Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида янги уфқларни очиб беради. Зеро, ушбу Концепция миллий давлатчилигимизнинг ривожланишида муҳим дастуриямал бўлиб қолади. Хусусан, демократик кадрларни ҳаётга татиқ этиш, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатлаш каби муҳим тамойилларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу жиҳатдан муҳтарам Президентимиз тақдим этилган Концепцияда аниқ кўрсатилган қатор қонунчилик ташаббуслари фракциямиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Бунда, албатта, ўз куч ва имкониятимизни мазкур Концепцияни амалга ошириш учун сафарбар этишимиз лозим.

МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

У МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партиялар ўртасида амалий негизда кучайиб бораётган ўзаро кураш ва рақобат қонун-лар сифатини яхшилашга, ҳар бир партиянинг ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳолларда партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ортада қолмоқда, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий етуқлиги ва тайёрлиги замон олдимизга қўяётган вазифаларга етарли даражада жавоб бераётми. Шу боис, бугун сиёсий партиялар ичидан чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда, ҳар бир партия ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича танлаган йўлимиздан оғишмай, қатъий билан боришимиз зарурлигини таъкидлаб, Ватанимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Концепциясини баён қилдилар.

Тараққиётимизнинг янги марраларини белгилаб берган ушбу улғувор Концепция жуда чуқур, кенг қамровли ислохотларга ва миллий давлатчилигимиз ривожига йўл очди. Унинг тарихий аҳамияти шундаки, жамиятимизни либераллаштириш ва мамлакатимизни демократлаштириш ҳеч қачон ортага қайтмайдиган ва изчил воқеликка айланганлигини яна бир бор тасдиқлади. Истиқлол йилларида эришилган натижалар ва босиб ўтилган йўл ҳамда тўпланган тажриба ҳолисона баҳоланиб, ривожланишнинг янги уфқлари белгилаб берилди.

Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини янги таҳрири, яъни Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши

ҳақидаги янги норма ва ҳуқуқматта нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилишига қаратилган тақлифлар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва жамиятни демократлаштиришнинг навабдаги босқичини бошлаб беради.

Бу эса, ўз навбатида, сиёсий партиялар ўз фаолиятларини тубдан янгилашларини талаб қилади. Хусусан, бу янги конституциявий тартиб барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу боис, Президентимиз "...мазкур ислохотлар-

Давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифа ва ғоялар Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига, шунингдек, миллий тикланиш мафқурасига хизмат қилишини ҳисобга олсак, шундан келиб чиқиб партиямиз ўзининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши зарур. Умуман, партияларга берилётган ваколат, имконият ва юксак мақом барчамиздан янги дунёқарашни талаб қилмоқда. Истиқболда эса партия барча талабларга жавоб берадиган, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг

Тараққиётимизнинг янги марраларини белгилаб берган ушбу улғувор концепция жуда чуқур, кенг қамровли ислохотларга ва миллий давлатчилигимиз ривожига йўл очди. Унинг тарихий аҳамияти шундаки, жамиятимизни либераллаштириш ва мамлакатимизни демократлаштириш ҳеч қачон ортага қайтмайдиган ва изчил воқеликка айланганлигини яна бир бор тасдиқлади.

нинг муваффақияти, аввалбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги сатъ-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навабда сиёсий партияларнинг етуқлиқ даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдир ва келажига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир", деб алоҳида таъкидладилар.

Биз ҳозирданқ бундай вазифани амалга ошириш учун энг аввало, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, сиёсий партия сифатида жамият ҳаётидан мустақам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараш ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйига ола биладиган етуқ кадрлар потенциалли вуҳудга келтириш, партия мафқураси ва ғоясига янги аёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни амалга оширишимиз зарур.

пишиқ-пукта ишланган дастурига эга бўлиши лозим. Зиммамиздаги яна бир масъулиятли вазифалардан бири — бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва уларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўлишдан иборат. Бу ўринда кенг омма орасига нафақат партия ғоя ва мақсадларини, қабул қилинаётган кенг миқёсли ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва фармонлар аҳамияти, юртимиздаги демократик ўзгаришлар жараёни, сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда сиёсий тизимдаги ўрни ва ваколатлари, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим воқеа ва ўзгаришлар тарғибот-ташвиқотимиз асоси бўлиши керак. Одамлар онгида Ватан тараққиёти ва истиқболга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш орқали уларнинг ижтимоий ҳаётдаги сиёсий фаоллигини ошириш энг муҳим вазифамиздир.

Жалолиддин САФОВЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ФРАКЦИЯ ХАЁТИ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

2011 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ. ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ УШБУ ДАСТУРГА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИ НУҚТАИ-НАЗАРИДАН ЁНДАШИШДИ

"2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида"ги масала фракция аъзоларининг диққат марказида бўлди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган мазкур дастур аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадлари ва турмуш даражасининг ўсишига, худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари ушбу дастурни муҳокама этиш жараёнида партиямиз электорати манфаатларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратди.

Яъни ЎЗМТДПнинг сайловолди платформасида белгиланган вазифалар, хусусан, миллий хунарманд-

чиликнинг барча турлари, сервис соҳаси ва туризм бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга кўмаклашиш партиянинг мақсадларидан биридир. Шунингдек, депутатлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлаш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, тадбиркорликнинг аънаваний маданиятини тиклаш борасидаги масалалар юзасидан ҳам дастурга ўзгартиришлар киритиш ҳақида амалий тақлифлар

рини билдиришди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақида»ги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-И-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш

ҳақида»ги қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Йиғилишда шунингдек, бир қатор биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Хўжалик процессуал кодексига тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгиловчи нормалар киритишни назарда тутди.



Йиғилиш муҳокамаларида иштирок этган депутатлар, тақлиф ва мулоҳазаларини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси позицияси ҳамда электорат манфаат-

ларидан келиб чиққан ҳолда баён этдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда спортда допингни қўллашга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. 2003 йил 5 март куни Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон спортда допингга қарши конференциясида Бутунжаҳон допингга қарши Кодекси қабул қилинди ва у амалда самарали қўлланилмоқда.

Спортда допинг масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фан, таълим ва маданият ишлари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) нинг 2005 йил 3-21 октябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган 33-сессиясида ҳам кўриб чиқилиб, спортни янада шаффолаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Спорт инсон соғлиги, маънавий-ахлоқий, маданий ва жисмоний тарбиясига, халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро бир-бирини тушунишга кўмаклашадиган муҳим воситадир. Спортчиларни допингдан фойдаланишлари аввало соғлиқларига салбий таъсир кўрсатса, иккинчидан адолатли ўйин принципларининг бузилишига, спортда қаллоблик, фирибгарлик, товланчилик иллатларининг илдиришига олиб келади. Допингнинг инсонга, башариётга келтирадиган зиёнларини эътиборга олиб "Спортда допингга қарши кураш тўғрисида" халқаро конвенция (Париж, 2005 йил, 19 октябрь) қабул қилинган. Лекин факат натижани деб ноҳилис усуллардан фойдаланиш, спортнинг асл ва эзгу қадрига зид йўл тутиш ва соғлиқ учун ўта зарарли бўлган допингдан фойдаланиш ҳолат-

лари ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикасида спортда допингга қарши кураш масаласида муайян ишлар олиб борилмоқда ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда амалга киритилган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги (янги таҳрир) Қонунининг "Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш", деб номланган 9-моддаси 3-қисмининг охириги қисмида: "инсон соғлиғига зарар етказадиган стимуляторларни қўллашни тарғиб қилиш таъқиқланади", деб кўрсатилган

катимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, спортга берилган эътиборни янада кучайтиради, спортчилар, соҳа вакиллари ва спортчиликнинг масъулиятини оширади, спортчиларимизни жаҳон ареналарида иштирок этишига замин яратди, жаҳон миқёсидаги нуфузли турнирлар, мусобақаларни республикамиз спорт майдонларида ўтказиш имкониятларини кенгайтиради, спортда допингга қарши кураш борасида олиб борилаётган фаолиятимизнинг янада мукамаллаштиришга туртки бўлади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Спортда допингга қарши кураш тўғриси-

Бизни гоятда ажаблантирган ҳолат шундан иборат бўлдики, айрим депутатлар қонун лойиҳаси моҳиятини муҳокама этишдан қочиб, унга илова этилган ҳужжатлардаги айрим техник хатоларга "алоҳида" эътибор қаратдилар. Ахир биз қонун лойиҳасига илова этилган ҳужжат ёки бирор тушунтириш хатини муҳокама этаётганимиз йўқ-ку!

бўлса, ушбу Қонуннинг "Спортда қўлланиш ман этиладиган воситалар" номли 16-моддасига ман этилган воситаларни қўллашга йўл қўйилмаслиги, ундан фойдаланган спортчилар мусобақалардан четлаштирилиши, стимуляторлар, допинг моддалари ва бошқа ман этилган воситаларни тарқатиш ёки ишлатишга қасддан кўмаклашадиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги нормалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ЮНЕСКО аъзоси сифатида мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши мамла-

да" халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қизгин муҳокамадан сўнг қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида барча партия фракциялари мазкур қонуннинг қабул қилинишидан манфаатдор эканлиги намоеён бўлди. Лекин шунга қарамай бир қатор мулоҳазалар ҳам борки, бугун у ҳақда фикр юритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бизни гоятда ажаблантирган ҳолат шундан иборат бўлдики,

Мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги сабъ-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканлигига беvosита боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ

айрим депутатлар қонун лойиҳаси моҳиятини муҳокама этишдан қочиб, унга илова этилган ҳужжатлардаги айрим техник хатоларга "алоҳида" эътибор қаратдилар. Ахир биз қонун лойиҳасига илова этилган ҳужжат ёки бирор тушунтириш хатини муҳокама этаётганимиз йўқ-ку! Баъзи депутатлар ушбу қонун лойиҳасини «иккинчи даражали» масала деб ўйлашди шекилли, бирор бир жўяли тақлиф ҳам билдиришмади, муҳокамада фаол иштирок этишмади ҳам. Ахир, қонун лойиҳаси нормалари, моҳияти, унинг мамлакатимиз спортини ривожлантиришдаги аҳамияти, ўзбек спортининг жаҳондаги нуфузини оширишга қанчалик ҳисса қўшиши наҳотки, айрим депутатларни заррача бўлсин фаолиққа ундай олмаган бўлса! Ана шуларни назарда тутиб ва ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳасига жиддий муносабатда бўлдилар.

Яна бир мулоҳаза. Мазкур конвенция 2005 йил 19 октябрда қабул қилинганлиги маълум. Орадан беш йил ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мазкур Конвенцияни нега беш йил мобайнида ратификация қилиш

масаласини тегишли қонун ташаббуси ҳуқуқи субъекти орқали парламент Қонунчилик палатасига олиб киритмади? Бу масъулиятсизликми ёки ўз вазифасига совуққонликми? Конвенциянинг Қонунчилик палатасига муддатидан кеч киритилиши ва кеч ратификация қилиниши мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги нуфузига таъсир кўрсатишини мутасаддиқлар наҳотки чуқур ўйлаб кўришмаган бўлса. Муҳокама чоғида депутатлар саволига Маданият ва спорт ишлари вазири биринчи ўринбосарининг жавобидан хайратланишдан ўзга илож йўқ. Вазирининг биринчи ўринбосари илова этилган тушунтириш хатидан "менинг хабарим йўқ", дегани куракда турмайдиган ваддан бошқа нарса эмас. Конвенцияга илова этилган маълумотларда изчиллик йўқ ёки улар масала моҳиятини асослаб беришга қаратилмаган. Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз кўп бор таъкидлаганидек, "тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳам қадам бўлишимиз шарт" ва ҳар бир ишда масъулиятни сезмоғимиз лозим.

Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

ПАРТИЯ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

ТАДБИРЛАРНИНГ БОШ МАВЗУСИ БЎЛДИ

БУХОРО: Халқ хунармандчилиги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бебахо меросимиз. Уни асраб-авайлаш, янги-ча мазмун-моҳият билан бойитиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга бус-бутун ҳолича етказиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларидан бири саналади.



Партия Ҳиждудон туман кенгаши томонидан "Миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш — бандлик муаммосини ҳал қилишда муҳим омилдир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Юртимизда ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилган, — деди ЎзМТДП туман кенгаши раиси ўринбосари М.Қурбанова. — Шу боис кўлигул хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, дунё кўргазмалари расталаридан ҳам ўрин олиб, ўз харидорини топмоқда. Бу эса миллий ифтихоримизга айланган соҳа ривожини ва унинг довруғини ёйиш учун айни муддаодир.

Шунингдек, тадбирда бот-бот таъкидланганидек, партия сайловолди Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчилик ва касаначиликни туманда кенг ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш бир томондан янги иш ўринлари ва худуднинг бандлик муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилса, иккинчидан, электроратни партиямиз билан янада яқинлаштиради.

Тадбир доирасида туман хунармандлари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

ХОРАЗМ.

ЎзМТДП Қўшқўр туман кенгаши томонидан "Янгилик" қишлоғи, Айронқўл ҚВПда шифокорлар ва ҳамширалар иштирокида "Тиббий маданият — соғлом оила гарови" мавзусида тадбир ўтказилди.

Ийгилишда сўзга чиққанлар "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг бажарилиши бўйича оилаларда соғлом фарзандларни дунёга келтириш ҳамда она ва бола саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталдилар. Шунингдек, бу борада туман кенгаши томонидан партия сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган, маънан соғлом ва жисмонан баркамол авлодни камол топтиришга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши "Миллат тарихи абадийдир" мавзусида миллиятимизнинг шонли тарихи ва буюк келажига, ўтмиш меросининг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида тадбир ўтказди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, партиянинг "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда бир гуруҳ ёшлар мавзу юзасидан фикр алмашдилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

ЎзМТДП Богот туман кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир "Миллий қадриятларимиз — миллий манфаатларимиз асоси" деб номланди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Аҳмедов сўзга чиқиб, миллий қадрият, миллий урф-одатлар, бугунги ёшлар, ҳар тамонлама етуқ ва соғлом фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни хусусида гапирди.

Тадбир савол-жавоб ва очик мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

СИРДАРЁ. Оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ёш авлодни ҳар тамонлама баркамол қилиб вояга етказиш ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари сирасига қиради. Шу боис партия ташкилотлари томонидан аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай йиғилиш, Гулистон шаҳрида "Биз СПИДга қаршимиз" мавзусида ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши, "Нуроний" жамғармаси ва вилоят ОИТС маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. СПИД нинг аср вабоси эканлиги, келажак авлодга катта зиён етказиши ва унга қарши курашиш ҳақида шифокорлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тавсиялар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Камолитдин САИДҚУЛОВ

ДАВРА СУҲБАТИ

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТ

Ёшлар — миллат келажига, юрт таянчи. Уларни жисмонан соғлом, ақлан етуқ қилиб тарбиялаш эса энг муҳим вазифадир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтириш, билимларини ошириш мақсадида ёшлар иштирокида қизиқарли учрашув ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан ташкил этилган "XXI аср: тинчлик умминсониятнинг ҳаётий қадриятларидан биридир" мавзусидаги давра суҳбати юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик иллати, диний-экстремистик таъсирлар ва "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Аслиддин Қўшбақов, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари Бўстон Мирзаева, Махфират Усмонова, Гулистон шаҳар «Камолот» ЕИҲ фаоли Зуҳра Ҳасанова ўз маърузаларида юртимиз ижтимоий иқтисодий қудратини ошириш, мамлакатимиз ва минтақамизда тинчлик-осойишталикни сақлашга ҳар тамонлама ҳисса қўшиш ва бу борада партия фаоллари ҳамда "Ёшлар қаноти" аъзолари олдига қўйилган вазифаларга

тўхталдилар.

Давра суҳбатида бир гуруҳ талабалар Юртбошимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик ривожланиш мақсадлари" бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги иштироки ва бу нуфузли минбарда халқаро ҳамжамиятга қилган муножаати, унда билдирилган аниқ тақлиф ва ташаббуслар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг ушбу нуфузли анжумандаги нутқида илгари сурилган гоя ва мақсадларни кенг омма, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Сўз — давра суҳбати иштирокчиларига

Жаҳонгир АЛИМОВ, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи талабаси:

— ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган ушбу давра суҳбати ҳаммада катта таассурот қолдирди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясидаги "Мингйил-



лик ривожланиш мақсадлари" бўйича ялпи мажлисидаги маърузасида тилга олинган муаммо ва масалалар юзасидан кенг ва батафсил маълумотлар берилди. Бундай тадбирлар биз ёшларнинг дунёқарашимизни оширишда, мустақил фикрлашимизни шакллантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Жаҳонгир ХУДОЁРОВ, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи талабаси:

— Тадбир давомида Ўзбекистонда 19 йил ичида амалга оширилган ижтимоий иқтисодий ислохотлар чуқур таҳлил этилди. Айниқса, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан юртимиз иқтисодиётининг ривож-

ланиши бизга гурур ва ифтихор бағишлади. Шундай юртимиз борлигига шукрона айтиб, мамлакатимизга муносиб хизмат қиладиган фарзандлар бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Ирода АЛИЕВА, "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Юрт тинчлиги, осойишталиги буюк неъмат, уни кўз қорачиғида асраб-авайлаш, тинчликни қадрига етиш бизнинг муқаддас вазифамиз. Партияимизнинг гоя ва мақсадлари ҳамда сайловолди Ҳаракат дастурида хавфсизлик, миллат ва элгалар ўртасидаги тотувлик масалалари энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу гоя ва мақсадларни амалга оширишда биз ёшлар фаол иштирок этишимиз лозим.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири:
Суратда: Давра суҳбати иштирокчилари

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

КОНСТИТУЦИЯ

ҲУҚУҚСОҲИЯТ ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга жаҳонда рўй бераётган туб ўзгаришлар жараёни амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз дастурига маълум ўзгаришлар киритиш орқали эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Ана шу, ҳеч муболағасиз, оламшумул вазифалар давлатимиз раҳбарининг мамлакат Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида қилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** маърузасида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустиқиллигимизнинг дастлабки йиллари — 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида демократик ҳуқуқий давлат, адолатли ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган эди. Ўзбекистонда бу йўналишда, айниқса, кейинги ўн йиллик аҳоли кенг қатламлари қаторидан қўллаб-қувватланаётган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Яъни кейинги ўн йил мобайнида уларнинг сони 2,5 баробарга ортди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариш, улар ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнамоқда. Улар қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-

иктисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги уларнинг чинакам мустиқиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

2008 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккала палатасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратadbirlари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Бу нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мустиқил ривожланишини изчил таъминлаш, уларнинг демократик янгилаштириш жараёнидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қўшма қарорга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил ҳамда демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлашни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди ҳамда бу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. Парламент комиссиясининг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқо-ра, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими демократик асосда тақсимлаш имконини бермоқда.

Жамоат фонди маблағлари бевосита нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларига уларнинг муносабатлари асосида ва Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртмалар тарзида ажратилмоқда. Парламент комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмалари, нуфузли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қиради.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар доирасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида 11,0 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини шакллантиришнинг қўламли ва изчиллиги, тизимлилиги қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, “кучли давлатдан” кучли фуқаролик жамиятига — таъминловчи асосланган бошқа институтлари мустиқил ривожланишини изчил таъминлаш, уларнинг демократик янгилаштириш жараёнидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қўшма қарорга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш таъминлайди;

Учинчидан, фуқаролик жамияти барча институтлари демократик кадрларни, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ўз салоҳиятларини рўйбга чиқаришлариغا шaroитлар яратиш, уларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган фаолияти учун зарур ҳуқуқий асослар яратди;

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини йўлга қўйиш, одамлар кайфияти, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларига муносабатларини аниқлашдаги ролини кучайтиради;

Бешинчидан, “учинчи сектор”нинг шаффофлиги ва очиқлигини, уларни давлат томонидан манзилли ва демократик қўллаб-қувватлашни, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий асосларини таъминлайди;

Олтинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг қонунларга риоя этиши, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ тартибот ва назорат қилувчи органларнинг қонунларга риоя этиши жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини

юксалтириш бўйича фаолиятини янги даражага кўтарди.

“Концепция”ни амалга ошириш жамият ва давлат олдида турган куйидаги муҳим вазифаларни ҳал этиш эҳтиёжини туғдиради:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини янада кучайтириш ва уларни демократлаштириш, очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш бўйича белгилаб олинган стратегик мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи омил бўлишига эришиш;

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиб берадиган қонун ҳужжатларини тизимли такомиллаштириш;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ўртасидаги тенг шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари қўламини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро қалин муносабатларини таъминлаш; маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги ва вазифаларини янада кенгайтириш;

- инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга йўналтирилган Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш инсон ҳуқуқлари бўйича улусқиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий билимларни оммалаштириш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириб, пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат демократик ва ҳуқуқий муҳитни яратди.

Келгуси — 2011 йилда Ватанимиз мустиқиллигининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Истиқлол йилларида босиб ўтган йўлимиз асрларга баробар. “Ўзбек модели” номини олган тараққиёт ва фаровонлик йўли ҳаёт синовида ўтди. Ўзбекистонимиз изчил юқори ўсиш суръатлари, мамлакатни модернизация қилиш йўлида дадил қадамларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни янада тараққий эттириш ва ҳалқимиз фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг асоси бўлиши шубҳасиздир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакураш ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда “Polvonlar Milliy Entsiklopediyasi” жамияти ҳамкорлигида “Полвонлар – эл-юрт ва миллатнинг гурури, ифтихори, фахри ва ор-номусидир” мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда тadbир ташкилотчилари вакиллари, партия фаоллари, таниқли спорт усталари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тadbир Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган машур ва фахрий полвонларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар яратган мактабни ёшлар орасида оммалаштириш, миллий спорт турлари нуфузини ошириш, яккакураш спортини бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда партиянинг ушбу дастурий вазифаларини самарали амалга оширишда ЎзМТДП ҳамда “Polvonlar Milliy Entsiklopediyasi” жамияти ўртасидаги алоқани янада изчил йўлга қўйиш мақсадида ўтказилди.

Анжумани ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов очди. Партия етакчиси ўз сўзида мам-

домий шугулланаётган йигитни муносиб ҳимоя қилаётган машур ва фахрий полвонларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар яратган мактабни ёшлар орасида оммалаштириш, миллий спорт турлари нуфузини ошириш, яккакураш спортини бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда партиянинг ушбу дастурий вазифаларини самарали амалга оширишда ЎзМТДП ҳамда “Polvonlar Milliy Entsiklopediyasi” жамияти ўртасидаги алоқани янада изчил йўлга қўйиш мақсадида ўтказилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатимизда миллий спорт турлари қаторида замонавий яккама-якка кураш йўналишлари ҳам кенг ривож топди. Жумладан, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, каратэ ва бошқа бир қатор спорт турларида мислсиз ютуқларни қўлга кiritган, юртимиз номини дунёга танитган спортчилар етишиб чиқди.



гини ошириш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, ЎзМТДП худудий ташкилотлари томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Миллий спорт ўйинлари” фестиваллари, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Спорт – баркамоллик мезони” шiorларини остидаги йирик спорт мусобақаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, миллий қадрият ва урф-одатларимизнинг қайта тикланиши асосида юртимизда Ўзбек кураши бўйича яратилган ўзига хос мактабни давом эттириш ҳам партиянинг асосий мақсад-вазифалари сирасига қиради. Зеро, давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганидек, ҳар бир соҳада устоз-шоғирдлик аънаваниси қарор топиши эришилган ютуқлар давом-

ПОЛВОНЛАР

МИЛЛАТ ОР-НОМУСИ, ЮРТ ГУРУРИ ВА ИФТИХОРИДИР

лакатимизда Президентимиз раҳбарлигида спорт соҳасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди:

“Мустақиллик йилларида Ватанимиз спортда асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритди. Юртимизда юзлаб муҳташам спорт саройлари, ўйингоҳлар қурилди, ҳатто энг чека қиш локларда яшаётган ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Мамлакатимизда халқаро турнирлар, Осиё чемпионатлари, Гран-при мусобақалари, жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Яратилаётган ана шундай шарт-шaroитлар натижасида бугунги кунга келиб, Ўзбекистон спорт халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлди. Юртимиздан юзлаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбек миллий кураши жаҳон аренасида жой олиб, оммавий спорт турларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг 6 сентябрида Кураш халқаро ассоциацияси тузилди ва халқимизнинг миллий қадрияти – кураш халқаро спорт тури маконини олди. Бугун Осиё, Африка, Европа, Панамерика ва Океания кураш конфедерациялари самарали фаолият юритмоқда. Дунёнинг юздан зиёд мамлакатиде миллий кураш жадал оммалашмоқда, спортнинг мазкур яккакураш йўналиши бўйича эркаклар, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон, қитъа чемпионатлари ҳамда турли нуфузли мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, асрлар давомида халқимиз асраб, эъзозлаб келаётган миллий курашимиз бугун уммба-шариятнинг дўстлик ва бирдамликка чорловчи юксак маънавий қадриятга айланиб улгурди. Дунёнинг барча қитъаларида “халол”, “ёнбош”, “чала”, “кураш” каби соф ўзбекона сўзларнинг жаранглаётганидан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Энг қувонарлиси, ёшларимиз орасида унинг нуфузи ошиб бормоқда. Ҳалоллик, жасурлик каби фазилатларни улуғлашга даъват этадиган миллий кураш билан



Амалга оширилаётган бу каби эзгу ишларнинг барчаси Ватанимиз келажаги бўлган соғлом авлодни камол топтиришга қаратилмоқда, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улугбек Муҳаммадиев. - Юртбошимиз раҳбарлигида соғлом авлод тарбияси пойдевори миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз, ота-болаларимизнинг ҳаётий тажрибаси билан асосида қурилди ва бундан ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни камол топтириш мақсади қўзланди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам, аввало, эътибор миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилди. Президентимиз соврини учун миллий курашимиз бўйича Шаҳсариб, Бужоро, Термиз ва Андижон шаҳарларида халқаро мусобақалар ўтказилиши ўн минглаб полвонларимизни кашф этди. Юртимизнинг турли гўшарларида халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича ташкил этилган ажойиб тадбирлар эса Алломиш, Тўрамуҳаммад каби моҳиятдан янги мусобақалар уюштирилишига замин ҳозирлади. Партияимиз ҳам ана шундай миллий халқ ўйинларини қайта тиклаш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида йирик-йирик тадбирлар, фестивалларни домий тарзда ташкил этиб келмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси спортда ҳам миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилган эътиборни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу борада амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишга интиломоқда. Хусусан, ёшлар, инсон ҳимоя ва маънавий баркамолликка етаклайдиган миллий спорт турлари оммавийли-

ли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Халқимиз орасидан дунё миқёсида ўз ўрни ва шухратига эга бўлган қўллаб-қувватлаш етишиб чиққан, - деди сўзга чиққан “Polvonlar Milliy Entsiklopediyasi” жамияти раҳбари Норқул Юсупов. - Она-юртимизда соғлом авлод тарбияси пойдевори миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз, ота-болаларимизнинг ҳаётий тажрибаси билан асосида қурилди ва бундан ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни камол топтириш мақсади қўзланди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам, аввало, эътибор миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилди. Президентимиз соврини учун миллий курашимиз бўйича Шаҳсариб, Бужоро, Термиз ва Андижон шаҳарларида халқаро мусобақалар ўтказилиши ўн минглаб полвонларимизни кашф этди. Юртимизнинг турли гўшарларида халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича ташкил этилган ажойиб тадбирлар эса Алломиш, Тўрамуҳаммад каби моҳиятдан янги мусобақалар уюштирилишига замин ҳозирлади. Партияимиз ҳам ана шундай миллий халқ ўйинларини қайта тиклаш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида йирик-йирик тадбирлар, фести-

валларни домий тарзда ташкил этиб келмоқда.

ЎЗМТДП Ахборот хизмати

МАЪНАВИЯТ

ЖАРАЁН

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

ДЕЙДИ ПЕШКУ ТУМАН ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ, ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИ АННА ИСМАТОВА

- Туманда маънавият-маърифат тизимида амалга оширилаётган ишлар, ўтаётган тадбир-анжуман, давра суҳбатларидан кўнглингиз нечоғлик тўлади?

- Эътироф этиш жоизки, туманимизда маънавият ва маърифат ишлари савияси хийла юқори. Энг муҳими, бу тизим туман маънавият ва маърифат кенгаши томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларимизда миллий туйғуни шакллантириш ва уларни турли зарарли оқимлардан асраш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Ҳар бир маънавий-маърифий тадбир, анжуманларимизни кенг доирада ва таъсирчан ўтказишга ҳаракат қилаёғамиз.

Глобаллашув жараёнида инсон онгига салбий таъсир кўрсатадиган, жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўладиган турли хил гоёвий таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, улар онгига миллий истиқлол гоёсини сингдириш каби долзарб масалалар маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий мақсади, мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги олдида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" мавзусидаги маънавият ва маърифат ўқуви кўни 25 августга давом этди. Ўқувда вилоят адлия бошқармаси, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академияси, таниқли адабиёт ва санъат вакиллари туманимиздаги ўндан ортиқ ташкилотларда бўлиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва ислохотлар жараёни ҳақида гапирдилар.

- Мамлакатимизда аёлларни, айниқса, ижтимоий-сиёсий жараёнга аралашувини янада фаоллаштиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, аёлнинг оила ва жамиятда, Ватан ва юрт келажаги бўлган баркамол авлоднинг вояга етказишда ўрни беқийс...

- Туманимиз аҳолисининг 64 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, маънавият тарғибот бўлими, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида хотин-қизлар ҳаёти, фаолияти ва муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, "Шавгон", "Киёвхўжа", "Офандар", "Хуррам", "Маҳаллагўш", "Чибигони", "Камолот" сингари маҳаллаларда мутахассислар иштирокида хорижий мамлакатларга ноқонуний ишга кетишнинг салбий оқибатлари, одам савдосига қарши курашиш, аёл маънавиятига доир тадбир, давра суҳбати ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, туман хотин-қизлар қўмитаси ва маънавият тарғибот бўлими билан биргаликда аҳоли ўртасида ёлғиз она, оталикни белгилаш, репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида "Соғлом авлод - келажак пойдевори", "Никоҳ билан тузилган оила - мустаҳкам бўлади", "Никоҳ - оила пойдевори", "Аёл ва жамият", "Одам савдоси

- аср вабоси" сингари 60 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказилди. Саховатпеша, тадбиркор фермерларимиз ҳомийлигида тумандаги 425 та кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, фахрийлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга меҳрмуруват ёрдами кўрсатилди. Бундай хайрли савоб ишга "Ўғлон", "Элбек", "Жўра-Нишод", "Шавкат-Матёқуб-чорва", "Хастинапур" фермер хўжалиги раҳбарлари бош-қош бўлдилар.

- Пешку туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш дастури асосида "Зандани", "Пешку", "Варахша" қишлоқ фуқаролар йиғинларида, "Малишояк", "Навбахор", "Валфажир" маҳалла йиғинлари ҳудудида барча йўналишлар ҳисобидан 4567 та янги иш ўрни ташкил этилди ва унинг 2979 тасини аёллар банд этди. Шунингдек, туманда қасаначиликни ривожлантириш ҳисобига 309 та янги иш ўрни ташкил этилди ва унинг 122 тасида аёлларимиз меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, иш билан банд бўлмаган аёлларни касбга йўналтириш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида 45 нафар аёл устоз-шогирд усулида тикувчилик, патдўзлик, зардўзлик, чокли буюмлар тикиш ва чопондўзлик касбларига ўқитилди. 108 нафар аёл қорхоналар билан тузилган шартнома асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 168 нафар аёл квоталанган ишга жойлаштирилди.

- Маълумки, мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органи - маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Маҳалла билан оила ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, аҳолининг тинч-тотув яшашини мустаҳкамлаш борасида туман хотин-қизлар қўмитаси қандай ишларни амалга оширмоқда?

- Туманимизда 10 та қишлоқ, 26 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Фаолиятимиз йўналиши бир-бирга ўхшаш бўлганлиги боис ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этияёғамиз. Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳалла ва фуқаролар йиғини раисларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича 10 нафардан ортиқ маслаҳатчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, малакасини ошириш мақсадида Тошкентда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташкил этган ўқув-семинарларига бориб, сертификат олиб қайтишди. "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" республика кўрик-танловида "Навоий" МФЙ маслаҳатчиси С.Бердиева, мутахассис К.Жумаева фахрли ўринларни эгаллашди. Фуқаролар йиғинларини кўллаб-қувватлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Мустақиллик", "Валфажир", "Хорқаш" МФИлари, "Янгибозор", "Пешку", "Боғимусо", "Варахша" ҚФЙлари компьютер ва мебеллар билан таъминланди.

Биз маънавиятчилар "Маънавият - қалб кўзгуси" деган иборани жуда кўп истифода қиламиз. Дарҳақиқат, маърифатли инсон, маърифатли аёл жамият учун ҳам, ўз оиласи учун ҳам ҳар жиҳатдан ўрناк ва намуна бўла олади. Мухтасар қилиб айтганда, бу бизнинг бугунги кундаги фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, десак тўғрироқ бўлади.

Рашид АСЛОНОВ,
Сарвар МАНСУРОВ



Устоз ва шогирд: анъана давом этади.

МАВСУМ

Республикамиз бўйлаб анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган қандли диабетга қарши кураш ойлиги давом этмоқда. Диабетга қарши кураш ойлигини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад жамиятнинг бутун эътиборини ушбу тиббий-ижтимоий муаммага қаратиш, аҳолига қандли диабет хасталиги ҳақида тўла-тўқис маълумот бериш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

БЕДАВО КАСАЛЛИК ЭМАС

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, сайёрамизда қандли диабетдан азият чекаётганлар сони 320 миллионга етган. Республикаимизда эса бу кўрсаткич тахминан 118 минг кишини ташкил қилади. Шифокорларнинг айтишича, айрим инсонлар ана шу касалликка йўлиқиб қолганини билишмайди ҳам. Касаллик ҳақида озорқ тасаввурга эга бўлиш, унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий марказининг консултатив поликлиникаси шифокори Саодат Ибрагимовага мурожаат қилдик:

- Диабет — сурункали касаллик бўлиб, ошқозон ости бези етарли миқдорда инсулин ишлаб чиқаролмаган ёхуд инсулин етарли даражада бўлишига қарамай организм фойдаси тегмаётган пайтда юзага чиқади. Табиийки, бундай ўзгариш қондаги глюкоза миқдорининг ошишига (гипергликемия) олиб келади. Бугунги кунда ЖССТ қандли диабетнинг икки хили мавжудлигини қайд этган. Касалликнинг биринчи тури (инсулинга қарам ёки болалар диабет) билан оғриган беморларда инсулин умуман ишлаб чиқарилмайди. Диабетнинг иккинчи турида (инсулинга қарам бўлмаган ёки катталар диабет) инсулин меъёрида, ҳатто меъёридан ортиқ бўлади, бироқ, организмга нафи тегмайди. Шунингдек, гестацион диабет ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ ҳомиладор аёлларда кузатилади.

Қондаги қанд миқдори ошган инсон оғиз қуриши, кучли чанқаш, тез-тез ва кўп миқдорда пешоб ажралиши, ҳолсизлик, кўриш қобилиятининг пасайиши ва оёқларда ноҳуш оғриқлардан шикоят қилиши мумкин. Қандли диабетга мойиллик хавфи юқори гуруҳга қариндош-уруғларида диабет касаллиги кузатилган инсонлар, фарзандини 4,5 килограммга вази билан туққан аёллар, семиз ҳамда кам ҳаракат ҳаёт тарзига ўрганган, қаттиқ руҳий зўриқишларга йўлиққанлар кирди. Қандли диабет вақтида даволанмаса сурункали буйрак етишмовчилиги, оёқларда трофик яра, гангрена каби асоратлар юзага келиши мумкин. Бундай пайтда иммунитет пасайиши, турли хил инфекцияларнинг урчиши кузатилади. Қандли диабет ташхиси қўйилган инсон врачнинг барча кўрсатмаларига амал қилиши, парҳез тутиши, жисмонан фаол бўлиши ва доимо шифокор назоратида бўлиб туриши лозим. Қандли диабет бедаво касаллик эмас, унинг давоси — сабр.

Дарҳақиқат, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маълум. Ҳуртимизда давом этаётган диабетга қарши кураш ойлигини ўтказишдан мақсад ҳам шу. Чунки соғлом инсон нафақат жамият, балки оиласи учун ҳам керак.

Зафар МУҲАММАД

ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Талабалар фестивали - 2010" байрамига мезбонлик қилди.

Олий таълим муассасалари талабалари ва ёш олимларининг интилиши, изланиш ва иқтидорини кўллаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларини рағбатлантириш, ёшлар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини кучайтириш мақсадида ўтказилган фестивалда 500 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

"Талабалар фестивали 2010" баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, талабаларнинг ўзаро билим ва тажриба алмаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин. Айни пайтда соғлом ва мустақил фикрли, кенг дунёқарашга эга, ватанпарвар ва фидойий авлодни шакллантиришда мазкур тадбирнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Фестиваль доирасида турли мавзуларда илмий-амалий конференциялар, ёшлар ташкилотлари етакчилари форуми, маҳорат сабоқлари, семинарлар ўтказил-

ди. Шунингдек, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ҳам байрам дастуридан муносиб ўрин эгаллади.

Қадимий ва навқирон шаҳар марказида қад ростлаган, қарийб 107 гектар майдонни эгаллаган "Бухоро маданий маркази" мажмуи меҳмонлар учун байрамона безатилди. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида тахсил олаётган беш юздан кўпроқ йигит-қиз талабалар фестивалида иштирок этиш учун йиғилди.

Фестиваль иштирокчилари аввало "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи билан танишдилар. Монумент марказида уч авлод - бахтиёр ёш оила - ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаетган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг ҳайкаллари акс эттирилган. Унда ҳаёт абадий, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келаганини, эл-юртнинг эртасини ўйламоғи даркор, деган теран фалсафий маъно мўжасам.

Фестиваль доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари иштирокида форум, "Қувноқлар ва зукколар" ўйини, "Заковат" интеллектуал мусобақаси, экофестиваль, Конституциямизга оид маҳорат ва ҳуқуқий маданиятни оширишга бағишланган семинар, кўплаб соҳалар бўйича маҳорат сабоқлари, спорт-соғломлаштириш мусобақалари, маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Азиза ҚИЁСОВА

ХАЛҚЛАР ВА МАДАНИЯТЛАР ИТТИФОҚИ

МОСКВАДАГИ ТИНЧЛИК ФЕДЕРАЦИЯСИДА "МАДАНИЯТЛАР ИТТИФОҚИ — ХАЛҚЛАР ИТТИФОҚИДИР" ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси, Ким Пен Хава номидаги хайрия фонди, Корея Республикасининг Россиядаги элчихонаси, Корея Маданият маркази томонидан "КБС" телекомпанияси ахборот кўмаги остида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизга бағишланган фото-кўргазма, Ўзбекистон безакли-амалий санъати экспозицияси ҳамда ўзбек миллий таоми — палов тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари тақдим этилди.

Россия вазирликлари, ҳокимликлари, Москва ҳукумати, дипломатик корпуслар, ижодкорлар, миллий-маданий автономиялар, жамоат бирлашмалари, Москва шаҳрида фаолият юритувчи

турли халқаро маданият марказлари вакиллари кечанинг фахрий меҳмони бўлишди.

"Ўзбекистон: маданият ва ривожланиш" деб номланган фото-кўргазмада меҳмонлар мамлакатимизнинг бой маданий ва тарихий қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Унда Ўзбекистоннинг Шарқ давлатлари орасида ёрқин ва ўзига хос анъаналари билан ажралиб туриши алоҳида тилга олинди. Ушбу ўлкага хос фольклор, musiqa ва рақслар, бетакрор миллий таомлар ва либослар, тасвирий ва амалий санъат намуналари жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборини қозонаётганлиги таъкидланди.

Эргаш ХЎЖАЕВ

ЖАРАЁН

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Тўлақонли оилани шакллантириш ва муҳофаза қилиш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шу боис, ота-оналарнинг болалар олдидаги вазифа ва мажбуриятларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

БОЛА ҲУҚУҚИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИДА МУҲИМ ҲУҚУҚ ҲАМДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги кунда давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бири - бу ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш, ҳар томонлама соғлом оилаларни вужудга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири саналган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, оилани ҳар томонлама мустақамлаш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини қўриқлаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини суд томонидан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар, хусусан, ота-оналардан фарзанд таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши, ота-она ва болалар ҳуқуқлари муҳофаза, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва моддий жиҳатдан таъминлаш борасидаги масъулияти ҳамда фарзанд олдидаги конституциявий мажбуриятларини тўлиқ амалга оширилишига имкон туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради" деб белгиланган. Ушбу конституциявий норманинг Асосий қонунимизда эътироф этилиши ҳар бир ота-онанинг болаларини 18 ёшга етгунга қадар моддий жиҳатдан таъминлаши болалар ва жамият олдидаги асосий бурчларидан бири эканлигини аълолатиб туради.

Давлатимизда оила ва болаларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу йилда бир қанча тадбир ва чоралар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2001 йил "Она ва болалар йили", 2008 йил "Ёшлар йили", 2010 йил "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурлари қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ўз навбатида болалар ҳамда ёшларни ҳуқуқ ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислам Каримов ўз маърузасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар - энг муҳим масала ва вазифалар ҳақида тўхталиб, энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимишга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эдилар. Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам "болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш" асосий вазифа сифатида белгиланди. Ушбу вазифалар ўз навбатида оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни тартибга солиб

турувчи оила ва фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши, вояга етмаган болалари, шунингдек, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбуриятини тўғрисидаги қоидаларнинг белгиланиши уларнинг қонун билан қўриқладиган ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатланганлигидан далолат беради. Амадаги оила қонунчилигида алимент ундириш бўйича ота-онанинг вояга етмаган болалари учун алимент миқдорининг аниқ улушларда белгилаб қўйилиши ҳам болалар манфаатига хизмат қилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал қонунчилигига алимент ундириш тўғрисидаги ишларни суд буйруғи тартибда қўрилиши тўғрисида янги қоидалар киритилиши ва оила қонунчилигида ҳам ушбу норманинг акс этиши ўз навбатида болалар тарбияси учун моддий таъминот ундириш масаласини судларда қўриб чиқишни осонлаштирди.

Масалан, 2005 йилда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судлари томонидан чиқарилган 1153 та суд буйруғининг 1145 таси вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича чиқарилган. Ушбу статистик маълумотдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур иш юритиш турининг қонунчиликка киритилиши судда вояга етмаганлар учун алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишларини ҳал этишнинг соддалашуви, судьяларнинг иш ҳажмини камайишига олиб келмоқда.

Айтиш жоизки, алимент ундириш тўғрисидаги ишларни ижро этишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, давво аризаси билан судга муурожаат этган кундан бошлаб алимент ундирилади. Бу борада Адлия вазирлиги ташаббуси билан алимент ундиришга оид ижро ҳужжатлари бўйича апрель-май ойларида икки ойлик тадбир ўтказилди. Тадбир довомида инвентаризацияда беш ойда алимент ундиришга оид 57000 та ижро ҳужжати келиб тушгани аниқланди. Шу даврда суд ижрочилари томонидан жами 6.06 млрд. сўм алимент пуллари ундириб берилди. Шундан 1.54 млрд. сўми суд ижрочилари томонидан бевосита қарздорлардан нақд пул шаклида ундирилди. Шунингдек, алимент тўлашдан қасддан бош тортиб юрган 632 нафар қарздорга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, 654 нафар қарздорга нисбатан қидирув эълон қилинди. Бироқ, шундай бўлса-да ҳозирда алимент ундириш тўғрисидаги ишлар ижроси тўлиқ таъминланмоқда, дея олмаймиз.

Бу эса алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари ижросини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ҳозирда суд буйруғи ижро ҳужжати тағинлаштирилган. Шу боис ушбу ҳужжатнинг ўзи ижрога юборилади. Шу ўринда суд буйруғида ҳам ҳал қилув қарорлари сингари алимент ундириш масаласи дарҳол ижро этилиши тўғрисида бирон бир қоида ёзилгани, деган ҳақиқат савол туғилади. Лекин ФПКнинг 238^а моддасида суд буйруғининг мазмунини ушбу масала бўйича ҳеч қандай қоида кўрсатилмаган. Фикримизча, Фуқаролик процессуал кодексининг 238^а моддасига "алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи дарҳол ижро этилади" деган мазмундаги қўшимча ва ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, суд амалиётини такомиллаштириш ва қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирish, судлар томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ўз вақтида ва тўғри ижро этилиши болалар ва оила манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

С.СОБИРОВА,
ТДЮИ аспиранти

БОЛАЛАР СПОРТИ



ФУТБОЛ МАКТАБИ

УМИДЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАМОҚДА

Ҳар томонлама етуқ, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш нурли келажагимизни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Юртимизда жисмонан соғлом, комил фарзандларни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши беҳиз эмас. Бу эзгу мақсадга эришишда спорт, айниқса болалар спортини ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс даражада катта.

Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳалар қаторида спортни, айниқса болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор тўғрисида қўйлаб ёш ислохотлари ижросида келди. Мустақиллик йилларида юртимизда

миллионлар ўйини — футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Футбол ёшлар ўртасида янада оммалашди. Гулистон шаҳридаги "Бўстон" маҳалласида барпо этилган болалар спорт мажмуасининг фаолият кўрсатганига ролла-роса икки йил

бўлди. Янги мажмуада болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ҳам шу пайтдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу спорт масканида бугунги кунда 10 нафар малакали мураббий 26 гуруҳда 362 нафар бола ва ўсмирга футбол сирларини кунт билан ўргатмоқда. Мактабга болалар 10 ёшдан бошлаб, саралаб олинади ва 16 ёшгача бу ердаги малакали мураббийлардан сабоқ оладилар. Ўқув даргоҳида ёш футболчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган: кенг, ёруқ ўқув хоналари, спорт майдончалари уларга хизмат қилмоқда. Шунингдек, 950 ўринли замонавий стадион ҳам ёшлар ихтиёрида. Махмуд Абдураҳмонов, Рафил Шафиқов, Хус-

ниддин Жиянбоев, Элмурод Худойбердиев, Бобур Алиқулов, Азиз Низомов каби тажрибали мураббийлар болалар ва ўсмирлар билан изчил машғулотлар олиб бормоқдалар. Мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари бесама кетмаяпти. Жорий йилнинг июнь ойида "Футболимиз гўнчалари" республика мусобақасининг финал босқичи Гулистон шаҳрида ўтказилди. Махмуд Абдураҳмонов мураббийлигидаги мезбон терма жамоа таркибидида футбол мактаби тарбияланувчилари беллашувда муносиб иштирок этиб, бош совринни қўлга киритди.

Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими шаҳардаги барча умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари ўртасида турнир ўтказди. Футбол мактаби тарбияланувчилари ушбу беллашувда ҳам голибликни қўлга киритди. Ёш футболчилар орасида иқтидорли, умидли спортчилар кўпчиликини ташкил этади. Абдусамат Султонқулов, Жаҳонгир Бойжигитов, Нурилла Мирзаев, Шаҳзоод Норбеков ана шундай ёшлардан. Эртанги кунда улар орасида Биродар Абдурайимов, Миржалол Қосимов, Одил Аҳмедов каби номдор, ўзбек футболни доврўғини дунёга тағинтадиган спортчилар етишиб чиқса ажаб эмас.

Ёшларимиздан умидимиз катта,- дейди шаҳар болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Олимжон Абдуқодиров. - Ниятимиз уларни келажақда виллоятимизнинг "Гулистон" ва мамлакат ўсмирлар терма жамоалари таркибиде кўриш.

Ёш футболчиларни хатти-ҳаракатларини кузата туриб, юртимиз футбол келажаги порлоқлигига асло шубҳа қилмадик. Спорт масканида муносиб авлодлар етишиб чиқаётган экан, уларнинг эришган шон-шўратлари, муваффақиятлари ҳам шак-шубҳасиз салмоқли бўлади.

АНОРБОЙ НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган қўша корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунинг натижасида шаҳарга хорижий инвестиция кириб келмоқда, минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаёпти. "Дака-Текс" (Россия) корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган эсада у шу ҳудуддаги етакчи корхоналардан бирига айланди.

Умумий лойиҳа қиймати беш ярим миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур корхонада пахта толасидан калава ип ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага Швейцариянинг "Ритер", Хитойнинг "Жингви", Италиянинг "Савио" компанияларига тегишли бўлган замонавий технологиялар ўрнатилди. Айна пайтда

корхонамизда 100 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қизлар меҳнат қилишяпти, - дейди корхона бош директори Эҳод Сулеймонов.

Жорий йилнинг олти ойи довомида 2 миллион долларга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Туркияга экспорт қилинди. Корхонанинг пиллиқлаш, ҳалқали йигирув, қайта ўраш бўлимларида замонавий компьютерлашган дастгоҳларни ўзимизнинг маҳаллий қизларимиз бошқармоқда.

Уларга қараб ҳавасим келади, - дейди корхона касаба уюшмаси раиси Наташа Халимова. - Бахтигул Каримова деган тўқувчимиз бор, жуда чаққон ишлайди. Дилфаруз Бердалиева моҳир йигирувчи. Обрўйи баланд. Шу ўринда пиллиқлаш бўлими бошлиғи Су-

БАНДЛИК

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТ

УНИ МАҲАЛЛИЙ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЯПТИ

райё Маллаевани алоҳида тилга олиш лозим. Чунки у ишнинг кўзини билади, меҳнаткаш. Тайёрлов бўлими бошлиғи Зулайхо Қосимованинг ҳам меҳнати таҳсинга лойиқ. Иш унинг жони-дили. Жамоа уни хурмат қилади. Ўз касбининг усталари бўлган Жамшид Абдураҳмонов ва Дилшод Бобоевдан ёш ишчилар кўп нарсани ўрганишяпти. Йигирувчи Нигина

Турсунова, Нафиса Каримова, пиллиқловчи Наргиза Мирзараимова, Маъмура Абдураҳмонова, тўқувчилар Ирода Насриева, Фариджа Хожимаматова, Дилфуза Холмирова... Уларни ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ишда ҳам, ақлу одобада ҳам манаман деган корхона тўқувчиларидан кам эмас.

ОРИФ ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ОГОҲЛИК

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, кузги-қишки мавсумда фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ортиб бориши билан ёнғин хавфи ҳам кескин кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республикамизда 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" эълон қилинди.

Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад - иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келувчи кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда

фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраймиз. Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ойлик доира-сида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашаётган ташаббускор юртдошларимизга миннатдорчилик билдиради.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАҲТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрь куниндаги 710-Ф сонли фармойишига асосан Республикаимиз ҳудудига 15 ноябрдан 15 декабргача

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ёдингизда тутин! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқати Сиз ёнғин келиб чиқишини олдини олиб, давлат ва шахсий мол-мулкнингизни, ўзингизни ҳамда атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Юнусовдор турмини Ёнғин Хавфсизлиги бўлими

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

ТҮЙИБ-ТҮЙМАЙ ЮРГАНЛАР

ЖАҲОНДА ОЧАРЧИЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА КЎМАКЛАШИШ, ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ БЕРИШ БУТУНЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАШКИЛОТИ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАДИР



БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлис ва яқинда Жанубий Корея пойтахтида яқунланган "катта йигирмалик"ка (G20) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммитида ҳам қашшоқлиқни тугатиш, очарчилик азобини тортиб келаятган мамлакатларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор берилгани ҳам мазкур масала қанчалик долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Зеро, сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсон тўйиб овқатланмас экан, тараққиёт, юксалиш ҳақида гапириш қийин. Озиқ-овқат муаммоси, очарчилик – бу нафақат мамлакатнинг ички иқтисодий инкирозидан, балки табиий факторларнинг рўй беришидан ҳам келиб чиқади. Статистик маълумотларга кўра, ҳозир сайёрамизда 1,2 миллиард аҳоли очликдан азоб чекмоқда. Бу ҳар 6 кишидан бири етарли даражада озиқ-овқат билан таъминланмаганидан далolat беради. Очарчилик ва тўйиб овқатланмас-

лик оқибатида одамлар ўз саломатлигини йўқотиб, ОИТС, безгак, сил ва бошқа хавфли касалликларга чалинмоқда. Ҳозир дунёдаги ўнлаб мамлакатлар озиқ-овқат танқислигини бошидан кечириб келимоқда. Бу борада БМТ кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти ушбу муаммони ижобий ҳал этишда баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бутунжаҳон Озиқ-овқат дастури ўз олдига қатор долзарб вазифаларни қўйган бўлиб, асосан очарчилик ва қашшоқлиқни бартараф этишга эътибор қаратади. Ушбу дастур асосида ўтган йилда 74 мамлакатнинг 105 миллион аҳолиси озиқ-овқат билан таъминланган. Шу йилнинг январь ойида Гаитида юз берган худудий зилзиладан сўнг Бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилоти тиббий оғат жабдийларига зудлик билан ёрдам кўрсатишга киришди. Ер силкиниши содир бўлгандан кейинги дастлабки соатлардаги саъй-ҳаракатлар очарчиликнинг юзага келишига йўл қўймади. Мазкур дастур ижрочи ди-

- Мутахассисларнинг фикрича, инсон нормал ҳаёт кечириши учун кунига 2 минг 350 калорияга тенг таом тановул қилиши керак.
- Ҳар йили қарийб 80 та мамлакатда яшаётган ўртача юз миллион кишига озиқ-овқат ёрдами кўрсатилмоқда.

ректори Жозет Ширанинг таъкидлашича, Гаити ҳукумати ва бошқа институтлар билан ҳамкорликда иш юритилиши натижасида тахминан 35 минг гаитилик дастурдаги фаолияти давомида иш ҳақи ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар куни мактаб ёшидаги 655 минг ўғил-қизга иссиқ тушки овқат берилаётти. Ҳомилдор ва боласи бор аёллар ҳамда 5 ёшга етмаганларга қўшимча таом улашилмоқда. Қариб ҳавзасида ҳозир довулар мавсуми бўлгани боис, Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури катта миқдордаги маҳсулотларни гамлаб қўймоқда. Заҳирада сақланаётган озиқ-овқат билан 1 миллиондан ортиқ кишини 6 ҳафта давомида тўйдиретиш мумкин. КХДР ҳам Гаити каби очарчилик азобини тортиб келмоқда. 2008 йилда КХДР ярим ороли шимолидаги ҳар 4 кишидан бири, яъни 6 миллионга яқин одам очликда кун кечирмоқда. 2008 йилда КХДР шимолида озиқ-овқат нархи кескин кўтарилганига қарамай, донор мамлакатлар томонидан Шимолий Кореяга 1 миллион тонна атрофида маҳсулот жўнатилган.

БМТнинг нотижорат мактабига эга озиқ-овқат ташкилоти жорий йилда 73 мамлакатда истикомат қилаётган 90 миллиондан ортиқ одамларнинг жонига оро кир-

1961 йили БМТ Бош Ассамблеяси ва Бутунжаҳон Озиқ-овқат ташкилотининг 11-анжуманида Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурига асос солинган. Бош қароргоҳи Римда жойлашган ушбу ташкилот 1963 йилдан эътиборан расман ўз фаолиятини бошлади. БМТга аъзо мамлакат вакиллари унинг таркибидан ўрин олган. Дастур газаси ҳар икки йилда бир маротаба дунё мамлакатлари томонидан ажратилаётган хайрия пуллари ҳисобига тўлдирилади.

ди. Дастур ҳисоб рақамига қатор мамлакатлар ҳукуматларининг, шунингдек, хусусий сектор ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда ўз маблағини ўтказди. Ҳар йили 2 миллион тоннадан зиёд маҳсулот эҳтиёжманд одамларга етказиб берилаёттир. Дунё бўйича 20 дан ортиқ мамлакат инсонпарварлик ёрдамига муҳтож. Улар орасида Африканинг 17 давлати, Афғонистон, Гаити, Ироқ, КХДР ва бошқа мамлакатлар бор. Тарқатилган сўнгги манбаларда таъкидланганича, сайёрамизда сўнгги 15 йил ичида оч-наҳор яшаётган кишилар 98 миллион нафарга камайиб, улар сони 925 миллион нафарни ташкил этади. БМТнинг озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан тайёрланган ҳисоботида кўра, 2004 йили сайёрамизда деҳқонлари 2 миллиард тоннадан ортиқ дон маҳсулотларини етказиб берган. Ҳозирги кунда қурраи заминда яшаётган ҳар бир одамга ўртача 322 килограммдан бугўл турри келади. Шунга қарамай, оч қолаётганлар сони тобора ортиб бораётти. Шуниси ачинарлики, уларнинг ҳар 6 нафаридан бири гўдаклардир.

Тан олиш керак, одамлар озиқ-овқат тақчиллигидан оч қолаётгани йўқ. Балки, ўзига ажратилган ерлардан унумли фойдаланмагани туфайли қоринни тўйдиретиш учун етарли маблағ ишлаб топа олмаётти. Тўйиб овқатланмаслик оқибатида янги туғилган гўдакнинг вазни паст, бўйи ҳам ўсмай қолади. Кейинчалик у юрак қон-томир, диабет ва гипертония хасталиқларига чалиниши ҳам мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили 30 миллионга яқин жисмоний нуқсонга эга болалар дунёга келмоқда. Ҳозир 3,5 миллиарддан ортиқ аҳолида темир моддаси етишмайди, яна 2 миллиард нафари йод, мактабгача ёшдаги 200 миллион нафар бола "А" витамини танқислигига учраган.

Олимларнинг таъкидлашича, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 6,7 миллиарддан 9,2 миллиардга қўлайди. Очарчилик асосан ўзини-ўзи боқолмайдиган айнама, Африка, Яқин Шарқ мамлакатларини қамраб олади. Эфиопияда аҳоли сони 83 миллиондан 183 миллионга, Конго Демократик Республикасида эса 63 миллиондан 187 миллионга қўлайиши тахмин қилинмоқда. Бу икки давлат доимий равишда озиқ-овқат ёрдамига муҳтож, жами 78 миллион нафар одам тўйиб овқатланмайди.

Азимжон ПУЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Вазият оғир

Гаитида вабо касалига чалинганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Бу ерда жорий йилнинг бошида юз берган кучли зилзиладан сўнг мамлакат ўзини ўнглаб олганича йўқ. Халқаро инсонпарварлик ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатда тиббий асбоб-анжомлар, дори-воситалари етишмаяпти. Айрим хабарларга кўра, вабо касаллиги оқибатида қарийб 1200 нафар одам вафот этган. Бир ой давомида эпидемия мамлакатнинг 10 та вилоятига тарқалган.



Хитойнинг жанубий-ғарбида

Хитойлик кончилар қутқариб олинди.

Сичуан провинциясидаги кўмир қонида юз берган сув тошқини туфайли қолиб кетган 29 нафар кончиларни қутқариш амалиёти муваффақиятли яқунланган. Ҳалокат пайтида жами 41 нафар кончида 13 нафари юқорига чиққан. Шифокорларнинг айтишича, қутқариб олинган барча кончиларнинг аҳоли яхши.



Кредит учун махсус режа

Европа Иттифоқи давлатларининг молия вазирлари расмий Дублиннинг ЕИ ва Халқаро валюта жамғармасига молиявий кўмак сўраш борадидаги қарорини қўллаб-қувватлашган.

"Euronews" телеканали хабарига кўра, энди Ирландия 4 йилга мўлжалланган махсус қатъий режани ишлаб чиқади. Мазкур дастур амалиётга жорий этилса, бу орқали йилга 15 миллион евро иқтисод қилиш имкони пайдо бўлади. Режани амалга ошириш эвазига ХВЖ ва ЕИ Ирландияга кредитлар ажратлади. Хабарларга қараганда, айти пайтда расмий Дублиннинг қарздорлиги 19 миллиард еврони ташкил этади. Экспертларнинг фикрича, мамлакат иқтисодини тиклаш учун 100 миллиард евро керак бўлади.


Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Пойтахтимизда Озарбойжон миллий кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазма қардош мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, энергетика, sanoat, алоқа ва ахборот технологиялари, маданият, халқ санъати ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан муфассал танишиш имконини берди. Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Ушбу кўрғазма ҳам айнан Ўзбекистон ва Озарбойжон давлат раҳбарларининг ташаббуси билан ташкил этилди.

ҚАРДОШ ХАЛҚ МАДАНИЯТИ

УЗОҚ АСРЛАРДАН СЎЗЛАЙДИ



бугунги кунда ҳам Озарбойжоннинг кўлаб шаҳарларида қадимги каштачилик мактаблари фаолият юритиб келади. Марко Поло XIII асрда Озарбойжон худудига қадимги каштачилик санъати алоҳида урғу бериб, унинг ниҳоятда нафис эканини айтиб ўтган. Инглиз сайёҳи Энтоний Жекинсон XVI асрда «Шомахи подшоҳи олтин ва ипақдан тўқилган бебаҳо гиламда ўтирарди, шохона либоси эса дуру марварид ҳамда қимматбаҳо тошлар билан безалган эди» дея таъриф берган.

Озарбойжонда каштачиликнинг турли йўналишлари бўлиб, улардан энг кўзга кўрингани тамбур чокли миллий кашта-

дир. Озарбойжоннинг Шеки шаҳри қадимдан тамбур чокли кашталарини ишлаб чиқариш маркази ҳисобланган. Каштачиликнинг яна бир тури: «куш кўзи» кўпроқ миллий дўппи, шолча ва бошқа кийимларда акс эттирилади. Айниқса, келинлар либосидаги зар ип ҳамда дуру гавҳарлар қаданган кашталар озарбойжонлик усталининг моҳирлигидан далolat беради.

Озарбойжонда кулоччилик ҳам қадимдан тараққий этган. Эрамиздан аввалги I асрда кенг тарқалган буюмлардан митга аёл кўринишидаги кўза ва ҳайвонлар миниатюраси Озарбойжон худудидан ҳам топилган бўлиб, у

айни пайтда Сан-Францисконинг Осие санъати фондида сақланмоқда. Лондон музейи экспозицияларидан ўрин олган Озарбойжон ликопчаларида Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонидан лавҳалар туширилган.

Озарбойжон халқи уймакорлик, темирчилик, мисгарлик, таъсирий санъат ҳамда заргарлик соҳаларида ҳам юксак чўққиларга эришган. Озарбойжонда миллий байрам ва маросимларни бу касб эгалари яратган буюмларсиз ўтказиб бўлмайди.

Мамлакатда хунармандчилик алоҳида эътибор берилган. Ҳатто, Озарбойжон тарихи музейида неолит, мезолит, па-

леолит даврларига тааллуқли 22000 дан ортиқ лой, бронза, мисдан ясалган буюмлар сақланади. Шунингдек, музейда сақланаётган Фузулий шаҳридан узокроқдаги гордин топилган қадимги инсон — азиҳантропнинг бош суяк чаноғи бу ерда 300-350 минг йил аввал ҳам ҳаёт белгилари бўлганидан дарак беради.

Озарбойжоннинг Фузулий номидаги Кўлёмалар институти дунёдаги нуфузли қадимги кўлёмалар хазинаси сирасига киради. Институт ниҳоятда бой коллекцияга эга. Бу ерда 40 мингга яқин қадимги ҳужжатлар ва 12 мингга кўлёмалар китоблари сақланиб келинади. Шунингдек, мазкур институтда XIII-XVIII асрда Озарбойжон хаттотлари томонидан ёзилган мамлакат тарихи, илм-фанига тааллуқли тарихий кўлёмаларнинг асл нусхаси сақланади.

Озарбойжон адабиётида халқ оғзаки ижодининг таъсири катта бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, айнан халқ кўшиқларида қуйилган қадриятлар, урф-одатлар ҳозирги кунга қадар сақлаб қолинган. 1300 йил аввал яратилган «Қўруқ ота китоби» эпопеида қадимги халқнинг қаҳрамонона жасорати, миллий анъаналари баён этилган.

Она табиат Озарбойжонни кўпгина ғаройиб тошлар билан сийлаганидан, унинг меъморчилик санъати ҳам ниҳоятда турли-тумандир. Мамлакатнинг Гобустон қўриқхонасида Говол-

дош номли ўзидан овоз таратадиган ғаройиб тош бор. 1947 йили олимлар тош таърифини маҳаллий аҳолининг оғзидан эшитиб, аниқлашган. Айтишларича, бундай товуш чиқаришдан қадимги инсон — азиҳантропнинг бош суяк чаноғи бу ерда 300-350 минг йил аввал ҳам ҳаёт белгилари бўлганидан дарак беради.

Озарбойжоннинг йирик тарихий ёдгорликларидан бири «Ширваншоҳ саройи» комплекси айни пайтда музейга айлан-тирилган. Сарой биноси энг катта иншоотлардан бири бўлиб, уни 1411 йили Ширваншоҳшах Иброҳим I пойдеворини қурди. Угли Ширваншоҳ Халиллулла I 52 та хонадан иборат ушбу қасрни ажойиб нақшинкор зина-поялар билан бирлаштириб, сарой марказида бетакор манзара ҳосил қилган саккиз қиррали меҳмонхонани бунёд этади. Тарих зарварақларига дош беролган, ўтмиш хотираларига лимом-лимо бўлган бу бино хузугча бутун дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири



Озарбойжон қадим-қадимдан хунармандчилик, илм-фан, савдо-сотиқ ҳамда маданият маркази сифатида дунёга танилган. Айниқса, халқ хунармандчилиги бу ерда азалдан шаклланган бўлиб, узок асрлик тарихга эга. Озарбойжон усталари яратган санъат асарларини нақшларсиз тасаввур этиш

қийин. Улар орасида гилам тўқиш санъати алоҳида ўринга эга. ЮНЕСКО томонидан «Шарқ гиламчилик санъати» ҳамда «Озарбойжон гиламлари» каби халқаро симпозиумлар ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда Озарбойжон гиламлари Санкт-Петербург, Лондон, Вашингтон, Париж ҳамда Истанбул шаҳарларида энг йирик ва нуфузли музейларга кўрк бағишлаб турибди.

Миллий гиламларда акс этган табиат манзараларидан ташқари нақшларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Бир қарашда нақшлар мураккаб композицияга эга бўлса-да, лекин кўли гул тўқувчиларга унинг бутун сирасори ёд бўлиб кетган.

Каштачилик Озарбойжонда миллий тимсол ҳисобланади. У қадимдан ривожланган бўлиб,

VATAN TUVG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБЕУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖИДДИНОВ, Мухаммадхон КУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОВЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1023, Адади — 2514

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Бехбуд БОТИРОВ
Навбатчи:
Назокат УМАРОВА

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.10.

1 2 3 5

КЎЗГҮ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Амалий санъат музейида қатор янги кўргазмалар ўтказилмоқда. Булардан "Гиламлар жилоси" номли янги кўргазма Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбирга пойтахт-миздаги мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар ва мухлислар ташриф буюрди. Шунингдек, музейда Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик уста-кулло Шариф Азимов кулчилик санъати, "Хунар" санъат маркази аъзоси Баҳодир Абдуллаев эса матоларни табиий рангларга бўйлаб бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Озода БУРҲОНОВА

ЯПОНИЯ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Иқуро Хироями номидаги Халқаро маданият карвонсаройида Япониянинг Сока университети томонидан эълон қилинган "Япония — болалар нигоҳида" номли болалар суратлари танлови асосида уюштирилган кўргазма ўтказилмоқда. Утган йилги тадбир умум-республика миқёсида олиб борилган бўлса, бу йилги фақатгина Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг (РИСМИ) ўқувчилари ўртасида ташкил этилди. Аёнана тусини олган "Япония - болалар нигоҳида" кўргазмаси Ўзбекистон ривожланишига баркамол муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Япониянинг Сока университети, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу кўргазма болаларнинг дунёқарашини ўстирибгина қолмай, кунчиқар мамлакат маданияти билан яқинроқ танишиш имконини ҳам беради. РИСМИ ўқувчилари ҳаёлотда гавдаланган Япония ҳақидаги ажойиб олам яқин миллий ўйинлари, аёнанавий турмуш тарзидан олинган лавҳалар, суратларда ўз аксини топган.

Зиёдулла НОРМУРОДОВ

ФАОЛИЯТ

Хива гиламлари азалдан қимматбаҳо ашё саналган. Вақт ўтиши, мустақиллик шарофати, замонавий тўқув дастгоҳлари туфайли у кўзни кувнатадиган даражада чиройли, маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган, толаси пишиқ ва мустаҳкам, бозори чаққон маҳсулотга айланди. Бир сўз билан айтганда унинг шўхрати қайта тикланиб, жаҳон бозорига чиқиш имконияти пайдо бўлмоқда.

"ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ"

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАДИ

Республика миқёсида иқтисодий аҳоли ночор, банкротга учраган корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида иқтисодий реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инвестицияларни, шу жумладан тижорат банкларининг маблағларини жалб этиш бўйича кенг қўлмалли ишлар олиб борилмоқда.

"Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамияти мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, банкрот деб топилган "Хива карпет" кўшма корхонаси ва "Хива гилами" акциядорлик жамияти негизида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 1 млрд. 900 миллион сўмлик кўйиний кўмагида янгидан ташкил этилди. Ишлаб чиқаришни қайтадан бошлаган корхона гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, йилга 1 млн. кв.м. гилам тайёрлаш қувватига эга. Корхонада 2009 йил давомида жами 4 млрд. 242 млн. сўмлик, 410, 0 минг кв.м. гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 3 млрд. 820 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бироқ, гап рақамларнинг катта ёки кичиклигида эмас. Фақат бу кўрсаткичлар 2008 йилги ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларидан 2,5 баробар кўп эканини, айтмоқчимиз, холос.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қувватлардан тўлиқ фойдаланишни мақсад қилган корхона 2010 йилда 8 миллиард 502 млн. сўмлик гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирган бўлиб, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 540 минг кв. м: 6 млрд. 889 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 219 фоиз ўсишга эришилди. Айни пайтда 3 навбатда иш юритаётган корхонада 600 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи фао-

лият кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этмоқда. Қолаверса, яна 100 та қўшимча иш ўрни яратилиши ҳам кўзда тутилган. Германия, Бельгия давлатларидан келтирилган энг замонавий гилам тўқув асбобларида саноат усулида катта-кичик ҳажмдаги гиламлар тўқилмоқда. Шу кунгача бирлари тўғрисида"ги Фармон дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида иқтисодий реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инвестицияларни, шу жумладан тижорат банкларининг маблағларини жалб этиш бўйича кенг қўлмалли ишлар олиб борилмоқда.



ига 700,0 млн. сўмлик маҳсулот етказиб берилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати "Хоразм гиламлари" МЧЖ маъмурияти маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни яхшилаш ва такомиллаштириш, гилам ва гилам маҳсулотлари турини кўпайтириш, шунингдек, гилам тўқишда янги дизайнларни қўллаш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда Туркиядан тақриб 200 млн. сўмлик дизайн-нертўрт нафар корхона ходимига соҳа мутахассислиги бўйича сабоқ берди. Натijaда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юзга яқин янги дизайндаги маҳсулотлар яратилди. Маҳсулот турлари ҳам шунга яраша кўпайди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, "Феруз", "Хоразм", "Авесмито", "Жалолиддин" номли турли ўлчам ва дизайндаги гилам маҳсулотлари республикамиз бозорларида энг харидорлигига эришди.

Корхонанинг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлимида гиламчилик бўйича жаҳоннинг етакчи давлатларининг иш тажрибалари чуқур ўрганилиб, жаҳон бозоридagi гиламга бўлган талаб ҳам атрафлича таҳлил этиб борилди. Бугунги кунда корхона маҳсулот экспорти учун зарур бўлган



халқаро сертификатга эга бўлди. Эндиликда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бемалол дунёнинг исталган давлатига экспорт қилиш имконияти бор.

Яна бир муҳим далил. Бугунги кунда корхона иқтисодий тангликдан, қолаверса, давлат бюджетига олдидаги қарздан қутулибгина

ган муваффақиятларни фақатгина молиявий омилларга қўра баҳолаш камлик қилади. Бизни хурсанд қилган яна бир жиҳат, корхона ишчиларига яратилаётган қулай шарт-шароит, муҳит ва соғлом турмуш тарзи бўлди.

Хали қиладиган ишларимиз кўп. Имкониятларимиз ҳам етарли. Ҳамма гап уларни ишга сола билишда, - дейди корхона раҳбари Эркин Отажонов. - Шу кунларда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида корхонада йилга 5 минг тонна пахта ипини ишлаб чиқариш қувватига эга янги замонавий дастгоҳлар олиб келиш ва ишга тушириш борасида кенг қўлмалли ишларни режалаштирмоқдамиз. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳа ва бизнес режаларимиз ЎЗР ТИФ "Миллий банки"да муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги шодиёнасини муносиб тўғра билан қутиб олган жамоа орасида яшин тезлигида қувончи хабар тарқалди. Байрам муносабати билан тақдирланган орасида гилам комбинати ишчисининг борлиги корхона ишчиларини янада руҳлантирди. - Турғисини айтсам, муқофотланганимни бошқалардан эшитдим, - дейди корхона ишчиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Қувондиқ Нувийдов. - Тақдирланганимдан ниҳоятда хурсанд бўлдим: бошим осмонга етди. Очиғини айтсам, корхонамизда яши ишлайдиганлар жуда кўп. Шу сабаб мен бу муқофотни бутун жамоамизники, деб биламан. Ватанимиз тараққиётига озгина бўлса-да ўз хиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Тан олиш керак, ҳозирги иш шароитимиз жуда ҳам яхши. Ишчилар учун махсус автобус ажратилган, тушлигимиз ҳам корхона ҳисобидан. Яши ишлаш учун бундан ортиқ яна нима керак?

"Хоразм гиламлари" жамоасининг орузи бисёр: мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиш, ўз гиламларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва ундан муқим ўрин эгаллашдир.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, "Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, пингвинларнинг сувдаги ҳаракатланиш тезлиги одатда 6-8, баъзан 12 км/соатга етар эди. Сўнгги тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, учолмас қўшларнинг сузиш тезлиги соатига 36-38 км.гача етиши мумкин экан.

Хитойлик темирйўл қурувчилари Саудия Арабистонида янги лойиҳага қўл уришди. Улар Макка ва Мадина шаҳарларини боғловчи монорельсли темирйўлини барпо этишлари керак. 2012 йили ниҳоясига етиши кутилаётган бунёдкорлик ишлари учун камида 1,8 млрд. доллар сарфланиши кутилмоқда.

ТУРФА ОЛАМ

РЎЁ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

ИТАЛИЯЛИК ОЛИМЛАР АВВАЛЛАРИ ФАҚАТГИНА ФАНТАСТИК ФИЛЬМЛАРДА КЎРИШ МУМКИН БЎЛГАН КАШФИЁТНИ АМАЛГА ОШИРИШДИ.

Ушбу янгилик туфайли танасини бошқара олмайдиган кишилар чирокни ёқиб, эшикларни очиш ва телефон қўнғироқларига ҳаёлан жавоб қайтариш имконига эга бўлишлари мумкин. Мазкур кашфиёт муаллифлари Римдаги Муҳаддас Лучия жамғармаси шифохонаси мутахассисларидир. Бу кашфиётни биринчи бўлиб ўзида синаб кўрган шифокорлардан бири бошига махсус халқа кийиб, ҳеч нарсага тегмасдан туриб бир қанча эшикларни очган, вентиляторни ёққан ва чирокни ўчирган. Олимларнинг фикрича, бу ихтиро нафақат ногирон инсонлар, балки тор биноларда узоқ муддат ишлаб, мушакларидagi тонусини йўқотадиган космонавтлар учун ҳам асқотиши мумкин.

ЯНА БИР ТОПИЛМА

МИСРЛИК АРХЕОЛОГЛАР ЛУКСОРДАГИ СФИНКСЛАР ХИЁБОНИДАН 12 ТА ЯНГИ ҲАЙКАЛЛАРНИ ТОПИШДИ.



Топилмаларнинг бари Нектанебо фиръавни ҳукмронлик қилган даврга (эраимизга қадар 380-362 й.) алоқадор экан. Бирок, ушбу ҳайкаллар хиёбоннинг бошқа бир қисмидан, яъни Мут ибодатхонасига олиб борувчи йўлдан топилган. Қадимшуносларнинг гапига қараганда, бу йўлдан Амоннинг муқаддас қайғи олиб ўтилган. Қолаверса, турли маросимларда қатнашиш учун фиръавнлар айнан шу йўл орқали ибодатхоналарга киришган экан. Ҳозирча 600 метр узунликдаги йўлнинг бор-йўғи 20 метри тадқиқ қилинган, холос.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони партиянинг сайловолди Ҳаракат дастури ҳамда ўқув-услубий, тарқатма, партия фаолиятини тарғиб қилувчи қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш учун тендер эълон қилади.
Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 244-81-28
Тўлов қафолатланади.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан рўйхатга олинган 10-276/2005-сонли "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Ўзбекистон маркази" филиалининг кадастр ҳужжати йўқотилганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНГАН деб ҳисоблансин.

Частное предприятие "GRAND COMMUNICATION", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г.Ташкента. №001555 от 31 марта 2008 г. ИНН 300782490 в соответствии с протоколом собрания учредителя №1 от 15.10.2010 г.

ЛИКВИДИРУЕТСЯ

В течении 2-х месяцев со дня публикации объявления претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский район, массив Юнусабад 14-8-16. тел: 321-21-91.



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2011 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиликлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораган десангиз вақтлар матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

- ҚР Нукус (3612) 22-88-68
- Андижон (3742) 22-29-89
- Бухоро (3652) 25-47-49
- Жиззах (3722) 22-40-01
- Қашқадарё (3752) 25-40-27
- Навоий (4362) 23-26-86
- Наманган (3692) 26-29-80
- Самарқанд (3662) 34-22-53
- Сирдарё (3672) 25-47-70
- Сурхондарё (3762) 27-49-03
- Тошкент вил. (3712) 233-13-04
- Фарғона (3732) 24-29-22
- Хоразм (3622) 26-63-75
- Компания бўлими 234-85-99

Обунага кўмакчи — «Матбуот тарқатувчи»